

## **ШАХСДА ГЕНДЕР УСТАНОВКАЛАРИНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ ИДРОК ЕТИШ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ МУАММОЛАРИ**

**Сангирова Нилуфар-Жиззах давлат педагогика университети Умумий психология кафедраси ўқитувчиси  
Кўнишева Гулсанам- Жиззах давлат педагогика университети, Психология (амалий психология) йўналиши талабаси**

**Аннотация:** Ушбу мақолада гендер установкалари ва шахсни ўзини-ўзи идрок етиши ўртасидаги боғлиқлик муаммолари ушбу соҳада олиб борилган кенг кўламли тадқиқотлар асосида тушунтириб беришга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** Гендер установкалар, жинс, эркак, маскулин, фенимин, ўзини-ўзи идрок етиш.

Ҳозирги даврда жамиятимиз ривожланишининг навбатдаги босқичида психологик билимлар бошқа билим соҳалари билан бир қаторда такомиллашиб бормоқда. Бугунги ўзгаришлар, бизнинг хатти-ҳаракатларимизга тўсиқлик қилувчи ҳодисаларга фаол қаршилик кўрсата олиш ахлоқий покланиш ҳарактерига эгадир. Янги ёндашув жамиятнинг қандай ёшларни тарбиялаши билан белгиланади.

Бугунги замонавий жамиятда моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида инсоннинг у бажараётган фаолиятида алоҳида аҳамият касб этадиган натижалар долзарблашиб бормоқда. Мазкур жараёнда кейинги пайтларда илмий ҳамжамиятларда кўп кўлланилаётган “гендер” тушунчаси инсоннинг нафақат ўз-ўзини англаши ва идрок этишида, ижтимоийлашувида ва касбий фаолиятида муҳим рол ўйнаб келмоқда.

“Гендер” тушунчаси биринчи маротаба 1963 йилда Р.Столер ишларида пайдо бўлган. Кейинчалик лингвистикадан келиб чиқсан (gender – тур) “гендер” термини эркак ва аёлларнинг жинси – биологик – генетик, физиологик ва репродуктив ҳарактеристикалари йиғиндисидан фарқли ўлароқ маданий тавсифларини шарҳлаш учун қўлланила бошланди. “Гендер” тушунчаси ёрдамида инсондаги табиийликни орттирилган (маданийлик)дан тузилмавий ажратилди. Тушунчанинг киритилиши XX асрнинг 30-йлларида М.Миднинг этнография бўйича ишларида киритилди . Гендер бу:

- ижтимоий жинс бўлиб, у хусусан шахслик ва гуруҳий хулқ-автор хусусиятлари ва индивиднинг жамиятдаги хуқуқий ва мавқе-ижтимоий позициясини белгилашни тақозо этади;
- биологик жинс, морфологик ва физиологик ҳарактеристикалар мажмуаси сифатида қатнашади, эротик ҳиссиётлар ва кечинмалар йўналганлиги ва намоён бўлиши билан боғлиқ индивидуал хулқни ҳам аниқлади [1];

Ижтимоий психологияда гендер термини мазкур тушунча маъновий мазмунининг биринчи варианти билангида боғлиқ психологик реалликни

ифодалаш учун қўлланилади. Бундан ташқари психологияк фан доирасида сўнгги ўн йилликлар мобайнида субъектларнинг у ёки бу ижтимоий жинсга мансублиги мантиқида жинсий дифференциатсияси психологик тавсифини кўриб чиқишига қимматли ёндашув юзага келди. Таъкидлаш жоизкуи, даставвал “гендер” тушунчасининг ўзи, кейинчалик “гендер ёндашув, ўзининг пайдо бўлиши билан “аёлларга оид” деб аталмиш тадқиқотлар билан боғлик. Шунга ўхшаш кенг қамровли тадқиқотлардан бири Сандра Липсиц Бэм томонидан гендер тафовутларни ўрганиш борасидаги тадқиқотларни айтиб ўтиш мумкин. Унинг 1993 йилда чиқкан “Гендер линзалари” монографиясида жамият эркак ва аёлларга уларнинг ишлари ва имкониятлари ҳақидаги маълум ижтимоий тавсифларни киритиш ҳақидаги тасаввурлар батафсил ёритилган. Мазкур ҳолатда жинс – бу тарихий тараққиёт мобайнида орттирилган рамзий аҳамиятли белгидир. Сандра Бэм ўз монографиясида эркак ва аёллар хулқ-авторидаги тафовутлар, уларнинг ижтимоий позицияларидаги тафовутлар биологиклик туфайли, яъни жинсий фарқлардир деган кенг тарқалган фикр ва ишончларни кўриб чиқиб, жинс ва гендер ҳаётйи цикл (онтогенез) жараённида қандай ўзаро таъирга киришишини таҳлил қиласи. Асосий ғоя бунда шу эдики, ижтимоийлик биологикликка қараганда кўпроқ ўзгаришларга мойил бўлади. Бэм назариясига кўра ва когнитив жараёнлар фаолияти принципларига асосан инсондаги идрок селективдир, яъни у эркак ва аёлларни қутбли идрок қилиш одатий схемасига жойлашади ва реалликда ҳадан зиёд тарқалган, лекин маданият орқали шаклланган идрок доирасига ҳеч ҳам сиғмайдиган нарсаларни танқидсиз қараб чиқмайди [2].

Шундай қилиб, Сандра Бэмнинг “Гендер линзалари” назарияси шахснинг гендер хусусиятлари маданий-тарихий таркиби ва унинг психологик установкаларини намоён қиласи. Эркак ва аёллар ўртасидаги аҳамиятли психологик тафовутларнинг мавжудлиги ўз ўзидан ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Бироқ бу борадаги эмпирик маълумотлар, кўп сонли тадқиқотларга қарамасдан, етарли эмас ва бир-бирига қарама-қарши. Шахслик хусусиятларига оид асосий тадқиқотларни қараб чиқамиз.

Умум қабул қилинган стереотиплар эмпатия ва эмоционал соҳадаги жуда кўп гендер фарқлар мавжудлиги ҳақидаги ғояни ўз ичига олади. Эркаклар ва аёллар ўртаидаги тафовутлар ҳақида гапирганда биз кўпинча аёллар эркакларга қараганда эмоцияларини яхшироқ ифодалайдилар ва атрофдагиларга ҳамдардлик билдиришга ҳам мойилроқдирлар деб ҳисоблаймиз. Ҳақиқатан ҳам аёллар эркакларга қараганда ҳиссиётларга берилувчан деган фикрга ишониш гендер стереотипларни ўрганиш мобайнидаги ноёб топилмалардан бири ҳисобланади. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги эмоционаллик тафовутлари бир нечта даражаларда қараш мумкин. Биринчи даражада биз бошқаларнинг эмоционал ҳолатини тушуниш (эмпатия) қобилияти ва бу тушунишни ифодалаш малакаси (эмпатик экспрессия) билан тўқнаш келамиз. Бошқа бир даражада бизни инсоннинг

ўзи томонидан ўз эмоцияларини кечиниши (эмоционал кечинмалар) ва мана шу эмоцияларни билдириш усуллари (эмоционал экспрессия) қизиқтиради.

С.Бэм фикрича маскулинлик ва фемининлик ёки жинсий ролли айнанлик глобал ўлчовларини излаш – аниқ иллюзор вазифалардан деб таъкидлайди. “Эркаклар ва аёлларни ажратиб турадиган психологик хусусиятлар ва хулқ-атвор тузилмалари мазкур даврда ва мазкур маданиятда, нафакат кўп хил, балки турли илдизларга эга бўлиши ва турли индивидларда нисбатан боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгариб туриши ҳам мумкин” [3].

Методологик қийинчиликлар ижтимоий-психологик хусусиятлардаги ва касбий фаолиятда шахс психологик портретини ташкил этувчи жинсий тафовутлар психологиясини ўрганиш долзарблигини камайтирмайди, бироқ улар бундай ўрганиш албатта фанлараро миқёсда бўлиши, ижтимоий жинсий роллар динамикаси ҳамда синалувчиларнинг этномаданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бўлишини таъкидлайди.

Гендер инсон ижтимоий ҳаётининг муҳим категориялардан бири эканлиги кундалик воқеликда намоён бўлади. Бир жинс вакилларига нисбатан хатти-ҳаракат меъёрлари ва кутишлар қўлланилади, булар бошқа жинсга нисбатан қўлланиладиганлардан анча фарқ қиласди. Бунинг учун алоҳида ўғил болаларни ва қиз болаларни, эркаклар ва аёлларни ифодаловчи маҳсус атама ва сўзлар қўлланилади. Ҳар доим ҳам ижтимоий установка объектив воқеликни акс эттира оладими? Йўқ, ҳар доим ҳам эмас. Кўпинча установкалар консерватив таъсир кўрсатади, яъни, инсонларнинг ўзаро муносабатларидаги жараёнларда салбий оқибатларга олиб келувчи нотўғри билим ва тасаввурларни шакллантиради. Алоҳида индивидларнинг таснифи умумлаштириш ва уларни бир инсонлар ва ҳодисалар гурухига қўллаш установкалаш деб аталади. А.В.Меренковнинг таъкидлашича, бу “идрок этиш хусусияти, мақсадга интилувчанликнинг, шунингдек, мазкур маданиятда қабул қилинган муайян жинс вакили турмуши ва фаолиятидаги меъёр ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда инсон хулқ-атворининг дастурий англашилишидир.

Барча гендер установкаларни уч гурухга тақсимласа бўлади.

**Биринчиси** – маскулинлик / феминлик (ёки фемининлик) установкалари. Бошқача айтганда, бу мардлик/латофатлик установкалар деб аталади. Даставвал, маскулинлик (мардлик) ва феминлик (латофатлик) тушунчалари нимани англатишини кўриб чиқамиз. (Кейинчалик матнда бу икки жуфт тушунчалар синоним сифатида ишлатилади: эркакларга хос – маскулинлик, аёлларга хос – феминлик). И.С.Кон [4] томонидан тақдим этилган “маскулинлик” атамаси маъносини таҳлил қилишга асосланиб, феминлик ва маскулинлик тушунчаларига берилаётган мазмунни қуйидагича ифода этиш мумкин.

1. Маскулинлик ва феминлик тушунчалари эркакларга (маскулинлик) ёки аёлларга (феминлик) “холисона хос бўлган” (И.Коннинг таъкидлашича) руҳий ва хулқ-атворий хусусиятларни акс этади.

2. Маскулинлик ва фемининлик тушунчаси турли ижтимоий тасаввурлар, фикрларни ўз ичига олади, эркаклар ва аёллар қандай ва уларга қайси хусусиятлар мақбул эканлиги аниқланади.

3. Маскулинлик ва феминлик тушунчаларида идеал эркак ва идеал аёлнинг меъёрий қолиплари ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, биринчи гурухдаги гендер установкаларни мардлик ва латофатлик ҳақидаги тасаввурлар аксини топган муайян шахсий фазилатлар ва ижтимоий-психологик хусусиятлар ёрдамида эркаклар ва аёлларни таснифловчи установкалар сифатида белгилаш мумкин. Масалан, аёлларга пассивлик, боғлиқлик, эмоционаллик, конформлик каби хусусиятлар, эркакларга эса – фаоллик, мустақиллик, компетентлик, жаҳлдордик ва ҳоказолар хос. Кўриб турганимиздек, маскулинлик ва феминилик хусусиятлари қарама-қарши қутбларга эга: фаоллик – пассивлик, куч – ожизлик. Н.А.Нечаеванинг тадқиқотларига кўра, аёлнинг анъанавий идеали вафодорлик, содиқлик, камтарлик, назокат, латофат, итоаткорлик каби фазилатларни ўз ичига олади. У олиб борган сўровнома иштирокчиларининг аксарияти эркак ва аёлларни анъанавий нуқтаи назардан ифодаловчи фазилатлар ва хусусиятларига ёндашганлар, масалан, аёл – мулойим, латофатли, садоқатли, эркак эса – фаол, ишончли, кучли.

Гендер установкаларнинг иккинчи гурухи оиласи, профессионал ва бошқа соҳаларда муайян ижтимоий ролларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Аёлларга, одатда, асосий роллар сифатида оиласи (она, уй бекаси, турмуш ўртоғи) роллар, эркакларга эса – профессионал роллар белгиланади. И.С.Клецина таъкидлашича, “эркаклар ўз касб-корида эришган ютуқларига қараб, аёллар эса – оиласи ва болалари мавжудлигига қараб баҳоланади”. Муайян бир соҳада (масалан, оиласи) эркакларга ва аёлларга хос деб ҳисобланган роллар мажмуи ҳар хил. Юқорида таъкидлаб ўтилган “Гендер ролларни англашга таъсир кўрсатувчи ижтимоий омиллар” тадқиқотида 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган 300 киши ўртасида сўровнома ўтказилган, натижада эр-хотин ўртасида оиласи мажбуриятларни тақсимлашда қуйидаги дифференциация пайдо бўлди. Жумладан, фақат аёлларга хос деб уйни тозалаш, овқат пишириш, кир ювиш ва дазмол қилиш, идиш-товоқ ювиш каби роллар таъкидланган. Сўров иштирокчиларининг фикрига кўра, оиласи эркакнинг вазифаси пул топиш, уйда таъмирлаш ишларини бажариш, ахлатни олиб чиқишдан иборат. Сўров қилинганларнинг 90% ортиғи оиласи эркак ва аёлларнинг вазифаси ҳақидаги анъанавий тасаввурларни акс эттирувчи “Аёлнинг асосий бурчи – яхши рафиқа ва она бўлиш” ва “Эркак – бу асосий боқувчи, оиласининг бошлиғи” деган тушунчаларни қўллаб-қувватлаганлар. Мазкур тадқиқот доирасида олиб борилган гурух интервью қатнашчиларининг айтганларига кўра, аёлга кўпинча уй бекаси вазифаси юкланди, яъни, респондентлар фикрича, у “оиласининг яхлитлигини таъминлайди” ва “уйда соғлом мухитни яратади” деб ҳисоблашгани аниқланди. Эркак эса “оила таянчи” ролини бажаради, ва бу вазифа кўпроқ раҳбар қилиш характерга эга: эркак оиласи “стратегик

мақсадларни белгилаш” билан шуғулланади, у “бошқаради”, “күрсатма беради” ва умуман ҳамма учун намуна бўлади. Шу билан бирга дам олиш, ҳордиқ чиқариш билан боғлиқ роллар одатда аёлларга қараганда эркакларга мос деб ҳисобланади (дўстлар билан пиво ичиб, мулоқот қилиш, диванда дам олиб ётиш, телевизор кўриш ва х.к. Бу ҳол, шунингдек, мактаб дарсликларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларида ҳам ўз ифодасини топган, яъни, эркак персонажлар аёлларга қараганда дам олиш вазиятларида кўпроқ акс эттирилган. Шу тариқа биз гендер стереотипларнинг генер установкалар шаклланишига таъсирини кўрамиз. Гендер установкаларнинг учинчи гуруҳи эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқликни меҳнатнинг муайян турлари билан шуғулланиш жараёнида ўз ифодасини топган. Жумладан, эркакларга, одатда ижодий ва яратувчанлик характерига эга инструментал соҳа фаолиятидаги машғулот ва касблар, аёлларга эса – бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи характери билан фарқланувчи экспрессив соҳалар хос деб ҳисобланади. Шунинг учун “эркакларга хос” ва “аёлларга хос”, деб аталувчи касблар мавжудлиги тўғрисидаги фикр кенг тарқалган.

Шундай қилиб, установкалар – бу гурухлар, инсонлар, ҳодисалар тўғрисидаги айrim тасавурлардир, бундай тасавурлар ҳақиқатга яқин бўлиши, айrim ҳолларда нотўғри ёки ҳаддан ташқари умумлаштирилган бўлиши мумкин. Бир томондан, улар дунё манзарасини соддалаштириди ва олинаётган маълумотларни тез ишлашга кўмаклашади, бошқа томондан, улар ҳақиқатни бузиб кўрсатиши ва ҳатоли умумлашмаларга олиб келиши мумкин. Шу жиҳатдан гендер установкалар нафақат шахснинг ўз-ўзини англаш тенденциясида, балки унинг хулқ-авторини йўналтириб турища муҳим вазифани бажаради.

### **Фойдаланилган адабиёилар рўйхати**

- 1.Краткий энциклопедический словарь-справочник / Под ред. Борцова Ю.С.Ростов на Дону: Феникс, 1997. - 608 с.
- 2.Меренков А.В. Социология стереотипов. – Екатеринбург: Изд-во Урал. Унита, 2001, с. 161.
3. Бэм С. Линзы гендера: Трансформатсія взглядов на проблему неравенства полов. – Москва.: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН),2004.-336стр.
4. Кон И.С. Социологическая психология -Москва — Воронеж 1999.—560 с
5. Гидденс Э. Социология. М.: Эдиториал УРСС, 1999
6. Берн Ш. Гендерная психология. - М.: Прайм-Еврознак, 2004. - 320 стр.
- 7.Клецина И.С. Гендерная социализация. Уч. пособие. Спб., 1998
- 8.Usmonova, M. (2023). OILAVIY NIZOLARDA FARZAND VA OTA-ONA MUNOSABATLARI. Журнал *Педагогики и психологи в современном образовании*, (I).

- 9.Usmonova, M. (2023). OILAVIY NIZOLARDA FARZAND VA OTA-ONA MUNOSABATLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (I).
- 10.Usmonova, M. (2023). O'SMIRLARNING IJTIMOIY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI HAQIDA. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 3(3).
- 11.Usmonova, M. (2023). MAKTABDAN TASHQARI TA'LIM JARAYONIDA O'QUVCHILARNI KASB-HUNARGA YO'NALTIRISH TALABLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 3(3), 152-155.
- 12.Shakarboyeva, S. (2022). БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ЎЗ УСТИДА ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(2).
- 13.Shakarboyeva, S. (2021). БЎЛҒУСИ ПЕДАГОГЛАРДА ЎЗ УСТИДА ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (1).
- 14.Шакарбоева, Ш. А. (2021). САМОРАЗВИТИЕ В ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КАК ПРЕДМЕТ СОЦИАЛЬНОЙ ПСИХОЛОГИИ. In *Стратегия научно-технологического развития-2021* (pp. 39-40).
- 15.Шакарбоева, Ш. А. ПЕДАГОГИКА & ПСИХОЛОГИЯ. ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА. *ПЕДАГОГИКА*, (1), 61-64.
- 16.Shakarboyeva, & O'ktamova , O. (2024). TARBIYASI OG'IR O'SMIRLARNI IJTIMOIYLASHTIRISHDA OILA, MAHALLA, TA'LIM MUASSASASI HAMKORLIKLIGINI RIVOJLANTIRISH USULLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 4(1), 139-147. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9555>
- 17.Shakarboyeva, & Qayumov, A. (2024). AUTIZMLI BOLALARINI RIVOJLANTIRISHDA ART TERAPIYA USULLARIDAN FOYDALANISH IMKONYATLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 4(1), 148-154. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9556>
- 18.Shakarboyeva, & Жасурова, Н. (2024). ЎСМИРЛАРДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (I). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8831>
- 19.Shakarboyeva. (2024). O'SMIRLIK DAVRIDAGI SUITSIDNING KELIB CHIQISH SABABLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (I). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8726>
- 20.Shakarboyeva, & Худойқулова , Г. (2024). БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ЧЕТ ТИЛИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА ЎРГАНИШНИНГ ЁШГА

ОИД ХУСУСИЯТЛАРИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (I). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8832>

21.Munira Usmonova, OILAVIY NIZOLARDA FARZAND VA OTA - ONA MUNOSABATLARI , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № I (2023): «СОВРЕМЕННАЯ СОЦИАЛЬНАЯ ПСИХОЛОГИЯ: ТРАДИЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ» I - МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

22.Собировна, ФН (2024). Психологические особенности учащихся начальных классов. *Wire Insights: Журнал Innovation Insights*, 2 (2), 16–18.

23.Файзиева, Н. С. (2023, January). СОСТОЯНИЕ ИЗУЧЕНИЯ ПРОБЛЕМЫ ОБЩЕНИЯ В ПСИХОЛОГИИ. In *International Conference of Education, Research and Innovation* (Vol. 1, No. 1, pp. 121-126).

24.Fayziyeva, N. (2022). KICHIK YOSHDAGI MAKTAB BOLALARING KOMMUNIKATIV QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISH. *Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры*, 2(12), 211-215.

25.Sobirovna, F. N. (2024). Psychological Characteristics Of Primary School Students. *Wire Insights: Journal of Innovation Insights*, 2(2), 16-18.

26.Mamaraimova, R. (2024). КАК НЕ ПОДДАВАТЬСЯ ПРОВОКАЦИЯМ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 4(2), 23-29. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9644>

27.Р.У.Мамараимова. (2022). ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНШНИНГ МАЗМУН МОХИЯТИ. EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH, 2(12), 513–517. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7337651>

28.Mamaraimova, R. (2022). УМУМ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5549>

29.Mamaraimova, R. (2021). КИЧИК МАКТАБ ЁШИ ЎҚУВЧИЛАР КОМПЕТЕНТЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2967>

30.Axmedova, N. (2022). KICHIK MAKTAB YOSHDAGI O 'QUVCHILARDA TA'LIM JAROYONIDA MOTIVATSİYANING O'RNI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(2).

31.Axmedova, N. (2021). БЎЛАЖАК ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТГА ТАЙЁРЛАШДА ИНТЕГРАТИВ ПРИНЦИПЛАР. *Мир исследований*, 1(1).

32.Ахмедова, Н. (2022). КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ИЖТИМОЙ КОМПИТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Евразийский журнал академических исследований*, 2(12), 529-532.

33.Axmedova, N. (2022). BO'LAJAK TARBIYACHILARDA SOG'LOM TURMUSH TARZI VA MADANIY GIGIENIK KONIKMALAR KOMPITENTLIGINI RIVOJLANTIRISH TEXNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(3).

34.Sangirova, N. (2024). SHAXS IJTIMOIYLASHUVIDA OILANING ROLI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 4(2), 69-73. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9725>